

Ҳадис дарслари (134-дарс). Суннатни инкор қилувчилар



16:02 / 28.04.2021 4978

أَلَا قَدْ مَلَ سَوْهِي لَعَلَّ لِي صَرِيحٌ لَنَا نَعْنُ، عَنَهُ لَلِإِيضَ رَعْفَارِ بِيَابِ نَعْنُ
وَبُتْرَمَ أَمَّ يَرْمَأْ نَمُ رَمَ أَلِإِيهِ تَكَيَّرَ أَلِإِيكَ تُمْ مُكَ دَحَّأْ نِي فُلْ أَلِ
هُنَّ عَبَّأْ لَلِإِي بَاتِ كَي فِ أَنْ دَجَّ وَ أَمُ يَرْ دَنَ أَلِ لُوقَي فِ هُنَّ عُنَّ تَيَّهَ وَ أْ

Абу Рофеъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мен бирортангизнинг супасида ёнбошлаб ётганида унга мен амр ёки наҳйи қилган нарсалардан бирор иш етса, зинҳор «Буни билмаймиз, бизга Аллоҳнинг Китобида нима келса, шунга эргашамиз», деганини топмайин», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам «Қуръонга амал қилсак бўлди, Суннатнинг кераги йўқ», дейдиганлар чиқмаслиги зарурлигини баён қилмоқдалар. Бу ҳам келажакда бўладиган нарсалардан ўзига хос огоҳлантиришдир. Дарҳақиқат, кейинчалик Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг буйруқ ва қайтариқлари ўзига етган пайтда «Бизга бу нарсанинг кераги йўқ, Қуръонда нима келса, шуни қиламиз, бошқаси билан ишимиз йўқ», дейдиганлар чиқди.

Аввал хаворижлар ва рофизалар томонидан бошланган Суннатни инкор қилиш кейин турли фирқа ва тоифалар томонидан давом эттирилди. Бу

нобакорлик асосан роҳат жойига ёнбошлаб олиб, айшу ишратга берилганлар томонидан содир бўлди. Ҳукмга, айшу ишратга берилганлар ана шундай ҳолга ўтиб қолдилар. Аслида эса бундай одамлардан ақл ҳам, мантиқ ҳам қочади. Агар уларда ақл ва мантиқ бўлса, Қуръонга амал қиламиз, Суннатга амал қилмаймиз, дермидилар?! Қуръон қайта-қайта таъкидлаган нарсалардан бири Суннатга амал қилиш-ку! Бу масала аввал баён қилингани учун уларни бу ерда такрорлаб ўтирмаймиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қуръон билан Суннатга баробар амал қилиш кераклиги.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келажақда Суннатни инкор қилувчилар чиқиши ҳақида хабар берганлари.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан